

ИСАДЖАНОВ Абдували

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми кафедраси профессор в.б., иқтисодиёт
фанлари доктори isadjanov@inbox.ru

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШ

ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ: УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ И АДАПТАЦИИ К ИЗМЕНЕНИЮ КЛИМАТА

CENTRAL ASIA: SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND ADAPTATION TO CLIMATE CHANGE

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашнинг хусусиятлари ва устувор йўналишлари, иқлим ўзгаришига мослашишнинг минтақавий жиҳатлари, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш чора-тадбирлари, яшил иқтисодиётни шакллантиришдаги муаммоларни ҳал қилиш, Орол экологик ҳалоқатнинг салбий оқибатларини камайтириш чора-тадбирлари, икки ва кўп томонлама келишувларни амалга ошириш асосида Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича эко-инновациялар асосида иқтисодий, ижтимоий ва экологик чора-тадбирларни асослаб берилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, иқлим ўзгариши, атроф-муҳит, БМТ, барқарор ривожланиш, яшил иқтисодиёт, мослашиш.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности и приоритетные направления обеспечения охраны окружающей среды в Центральной Азии, региональные аспекты адаптации к изменению климата, меры по реализации Целей устойчивого развития, решению задач по формированию зеленой экономики, снижению отрицательных последствий Аральской экологической катастрофы, выработке мер по устойчивому развитию Приаралья на основе реализации двусторонних и многосторонних соглашений, выработки экономических, социальных и экологических мер по адаптации к глобальному изменению климата на основе эко-инноваций.

Ключевые слова: Центральная Азия, устойчивое развитие, изменение климата, окружающая среда, ООН, зеленая экономика, адаптация.

Annotation: The article discusses the features and priority areas for ensuring environmental protection in Central Asia, regional aspects of adaptation to climate change, measures to implement the Sustainable Development Goals, solve problems in the formation of a green economy, reduce the negative consequences of the Aral ecological catastrophe, develop measures for the sustainable development of the Aral Sea region in based on the implementation of bilateral and multilateral agreements, the development of economic, social and environmental measures to adapt to global climate change based on eco-innovations.

Key words: Central Asia, sustainable development, climate change, environment, UN, green economy, adaptation.

КИРИШ

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали янги таҳрирдаги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади” деб таъкидланган [1].

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида яхлит қонуний база шакллانган. Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини бошқаришнинг асослари бир қатор қонунларни қамраб олган («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», “Чиқиндилар тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида” ва бошқалар) [2].

Халқаро ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон қуйидаги халқаро конвенциялар иштирокчиси ҳисобланади: “Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенция”, “Биологик ҳилма-ҳиллик тўғрисидаги конвенция”, “Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси”, “Ҳавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий кўчирилишини ва уларни йўқ қилишни назорат қилиш тўғрисидаги Базел конвенцияси”, “Умумжаҳон

маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция”, “Йўқолиб кетиш ҳавфи мавжуд бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги конвенция”.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ ва 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалари қабул қилинган [3].

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу жараёнларни таҳлил қилиш, минтақада рўй бераётган жараёнларни ҳал қилиш борасидаги асосий муаммолар, иқлим ўзгаришининг сабаблари ва бартараф этиш омиллари, иқлим ўзгаришига қарши мослашиш механизмининг асосий йўналишлари шакллантириш мақолаининг асосий мақсади ҳисобланади [4].

Барқарор ривожланиш 17-та мақсадларининг “Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш” 13-чи мақсади ва **“Қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши жараёнини тўхтатиш”** 15-чи мақсад айнан экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган [5].

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида иқлим ўзгаришига қарши курашишга катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясининг (Нью-Йорк, 1992 йил май) аъзоси ҳисобланади, ушбу Конвенцияга Киото

протоколи 1998 йилда имзоланган ва 1999 йилда ратификация қилинган, Париж битими эса 2017 йилда имзоланган ва 2018 йилда ратификация қилинган [6:2].

Иқлим глобал исишининг тўхтовсиз давом этаётганлиги инсон саломатлиги ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун катта ҳавф келтирмоқда. Ўзбекистон иқлим ўзгаришига нисбатан ҳимояга муҳтож мамлакатлар тоифасига киради.

Саноат тармоқларида ушбу масаларни ҳал қилиш доирасида UNIDOнинг амалга оширилаётган “Яшил саноат ташаббуси” экологик барқарор ривожланиш ва экологик саноат сиёсатини қўллаб-қувватлаш стратегия ҳисобланади. Ушбу стратегия учта асосий йўналишга қаратилган. Биринчидан, ресурслар самарадорлиги ва тоза ишлаб чиқариш. Иккинчидан, биосферанинг тўлиқ ифлосланишини олдини олиш ва ривожланаётган мамлакатларга экологик тоза технологияларни узатиш механизмларига инвестицияларни рағбатлантириш. Учинчидан, халқаро ва миллий лойиҳалар бўйича ишларга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, экологик таълим ва ёшларни тарбиялаш ишларини ташкил этиш [7].

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доирасида мамлакатимизда “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан «яшил» иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Улар жумласига: технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш; давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш масалалари киритилди [8].

Мазкур қарорда алоҳида эътибор таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга қратилган.

Алоҳида, муҳим вазифа сифатида Орол бўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш, «яшил» иқтисодиёт соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш эътироф этилган.

Эътироф этиш керакки, бугунги кунда курғоқчилик ва сув тошқини натижасида кўрилган иқтисодий зарар Марказий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулотининг йилига 1,3 фоизини ташкил этади. Мослашув чораларисиз иқтисодий йўқотишлар 2050 йилга бориб Марказий Осиё минтақасининг ялпи ички маҳсулотининг 2-5 фоизини ташкил қилиши мумкин. 2019 йилда Марказий Осиё давлатларининг умумий CO₂ эмиссияси 558 мегатоннани ёки глобал чиқиндиларнинг 1,53 фоизини ташкил қилди [9].

Агар ушбу ўн йилликда карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона газлари сезиларли даражада камаймаса, XXI асрда глобал иссиқ 1,5 °C ва 2 °C дан ошиши башорат қилинмоқда.

Харакатсизлик иқлим тизимида янада жиддий ўзгаришларга олиб келиши мумкин, жумладан, тобора кўпроқ иссиқлик тўлқинлари, ўрмон ёнғинлари, бўронлар, тропик циклонлар, курғоқчилик, музликларнинг эриши, қор қоплами ва абадий музлик ва денгиз сатҳининг кўтарилиши [10].

Бундан ташқари, 2021 йил рекорд даражадаги еттинчи энг иссиқ йил бўлди, ўртача глобал ҳарорат саноатдан олдинги даражадан тахминан 1,11 (± 0,13) °C га юқори бўлди. Иқлимнинг кескин ўзгариши бутун дунё бўйлаб 34 миллион одамни етарли даражада озиқ-овқатсиз қолдиради ва об-ҳаво билан боғлиқ табиий офатлар 2019 йилнинг ўзида 140 мамлакатда 25 миллионга яқин одамни кўчиришга мажбур бўлди.

Иқлим ўзгариши 2030 йилга келиб 118 миллион энг камбағал африкаликларнинг курғоқчилик, сув тошқини ва жазирама

тўлқинларидан таъсирланиши ҳавфини келтириб чиқариши мумкин. Тахминан 1 миллион турдаги ўсимлик ва ҳайвонлар, асосан, инсон фаолияти натижасида йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остида турибди ва бу бутун дунё бўйлаб одамлар ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Иқлим ўзгариши кенг миқёсда, тез, шиддатли ва қайтариб бўлмайдиган бўлиб борар экан, ҳар бир инсон ва ҳар бир экотизим заиф бўлиб қолади.

Ҳисоб-китобларга кўра иқлим ўзгаришидан юзага келадиган зарарнинг 75-80 % ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Иқлимнинг индустриал ривожланишдан олдинги пайтга солиштирганда атиги 2°C даражага кўтарилиши Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари ЯИМнинг 4-5 %га тушишига олиб келиши мумкин. Иқлим ўзгаришининг табиий ресурсларга таъсири катталиги, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиёти эса асосан табиий ресурсларга боғлиқлигини, юзага келадиган ҳавфни камайтириш ва бошқариш учун керакли молиявий ва техник имкониятлари чекланганлигини эътиборга олинса, ушбу вазиятни нақадар мураккаблигини эътироф этиш мумкин.

Шунинг билан биргаликда, глобал экологик ўзгаришлар планетар аҳамият касб этиб, иқтисодий-назарий ёндашувдан келиб чиқиб замонавий иқтисодий ривожланиш моделининг ажралмас қисмига айланганлигини эътироф этиш мумкин. Мавжуд экологик таҳдидларни бартараф этишда нафақат минтақавий ва миллий ёндашув, балки барча хўжалик юрутувчи субъектлар томонидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб муаммолар қаторидан жой олган.

Антропоген-техноген омилларни кучайиб бориши янги тенденцияни кашф этмоқда: барча иқтисодий субъектлар экологик таҳдидларни бартараф этиш учун сарфланаётган харажатларни эътиборга олишлари зарур бўлмоқда. Тобора жаҳонда иқтисодий ўсиш билан биргаликда экологик харажатлар ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида атороф-муҳит муаммолари билан боғлиқ бўлган харажатлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг камида 4-6 % ташкил қилмоқда [11].

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатларига фақат глобал иқлим ўзгариш таъсирини ўрганиш бўйича икки юзга

яқин экологик-иқтисодий моделлар ишлаб чиқилган ва уларнинг кўпчилиги салбий таъсир ўтказётганини қайд этишган [12]. Бу умумий хулоса минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиётининг ва унинг тармоқларининг таркибидан (қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон металлургия, энергетика ва бошқа соҳаларнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрнидан) келиб чиқиб ўзига ҳос жиҳатларни касб этмоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш янги моделини яратиш ва татбиқ этишда, мамлакатларнинг модернизация жараёнларини жадаллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларда глобал экологик ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда ва “камуглеродли жамият” шаклланиши устувор мақсад этиб қўйилмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши бўйича Париж келишувида (2015 йил) қайд этилганидек, иқлим ўзгариши барқарор ривожланишининг асосий муаммоси бўлиб, Марказий Осиёда трансгегаравий ва минтақавий даражада иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича устувор чоратадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади [13].

Бу борада долзарб масала сифатида мослашув борасида ҳаракат қилиш вақтидир. “Мослашиш” экологик, ижтимоий ёки иқтисодий тизимларда содир бўладиган ўзгаришларни англади, бу жамоаларга иқлим ўзгаришининг ҳақиқий ёки кутилаётган таъсирига жавоб беришга ёрдам беради.

Мослашув эрта огоҳлантириш тизимлари ва қурғокчиликка чидамли экинлардан ўзгарувчан алоқа тизимлари, бизнес операциялари ва давлат сиёсатига бўлган муайян муаммоларга бир қатор аниқ эчимларни ўз ичига олади. Фақатгина об-ҳаво прогнозлари ва эрта огоҳлантириш тизимларини такомиллаштириш ҳар йили 23 000 кишининг ҳаётини сақлаб қолиш ва 162 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда келтириши мумкин.

Ҳозирги ўсиш модели, Р.Асангазиев фикрига кўра, бир қатор омиллар таъсири остида барқарор эмас. Биринчидан, иқлим ҳавфхатарлари ва таъсирига нисбатан заифликнинг кучайиши. Иккинчидан, Ўзбекистон иқлим ўзгаришига энг заиф давлатлар қаторига киради: экстремал ҳароратнинг кучайиши, тез-тез қурғокчилик, сув танқислиги/тақчиллиги, чўлланишнинг кучайиши ва ерларнинг деградацияси кузатилаёпти [14].

Сўнгги йилларда анъанавий “аввал ўсиш, кейинроқ атроф-муҳит” стратегиясидан инновациялар, экологик ва ижтимоий масалаларга эътибор қаратган ҳолда “яшил” иқтисодий ўсишга ўтиш кузатилмоқда. Шу билан бирга, яшил ўсиш табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва эко-инновацион технологияларни жорий этишга асосланган. Шу билан бирга, барқарор ўсиш минимал ифлосланиш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришни назарда тутди.

Хулоса

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, яшил иқтисодиётга ўтишнинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат:

табиий ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш;

саноат ва иқтисодиётнинг яшил паст углеродли ривожланиши (шу жумладан айланма иқтисодиёт ёндашувлари);

барқарор ва инклюзив урбанизация;

табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига қарши чораларни кучайтириш;

инновациялар ва самарали яшил давлат инвестициялари;

ўтиш даври энг кўп таъсир қилган одамлар ва жойларни қўллаб-қувватлаш.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, яшил иқтисодиётни шакллантириш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш, биринчидан, яшил паст углеродли саноат ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш; иккинчидан, кам углеродли, барқарор ва инклюзив урбанизацияни қўллаб-қувватлаш; учинчидан, табиий офатларга жавобни кучайтириш орқали иқлим ўзгаришига чидамликни оширишни англади.

Иқлим ўзгаришига мослашишга ҳамда унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган меъёрларнинг самарали амалга оширилиши зарур. Авваламбор, мамлакатлар ўз ҳудудида углерод чиқимлари миқдорини камайтириш учун фаол ҳаракатлар амалга оширишлари зарур ва янада муҳимроқ жиҳати – бу инновация ва янги технологияларга талабни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий ва халқаро даражада янги инновацион лойиҳаларини амалга ошириш,

хавфларни тақсимлаш бўйича халқаро келишувларни ишлаб чиқиш ва билим, технология ва маълумот алмашинувини қўллаб-қувватлашга доир тадбирларни амалга ошириш лозим.

Ҳозирнинг ўзида экотизимларга қўшимча оғирлик яратмасдан туриб, озиқ-овқат билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш керак. Узоқ муддатли, кенг қамровли ва комплекс бошқарув, самарали иқтисодий тизим ҳамда тез мослашувчан чора-тадбирлар асосида озиқ-овқат, биоэнергия, гидроэлектрэнергияга бўлган ўсиб борувчи талабни қондириш билан бирга биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш мумкин.

Экологик муаммолар ва уларни бартараф бўйича минтақавий ва миллий дастурларни амалга ошириш Марказий Осиёда стратегик барқарорликни таъминлашда, мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида ва минтақада яшовчи аҳоли учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Шундай шароитда, минтақада катта эътибор “экологик инновация”ларга қаратилиши лозим, яъни ишлаб чиқариш, маҳсулот яратишда илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари, шартлари ва бошқарувида ҳамда бизнес юритиш усулларида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ёки ресурслардан оптимал фойдаланишдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини бошқаришнинг асослари. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. – Тошкент. 20 Апрель, 2022 йил. https://ridp.uz/media/documents/project/uz/Revised_ESMF_uzb_26_04_2022_%D0%B9%D0%B8%D0%BB_final_versia_TB_rev_25_05_22.pdf
3. “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори // <http://lex.uz/docs/4013356>
4. Sustainable Development Report 2021. The Decade of Action for the Sustainable Development Goals. <https://s3.amazonaws.com/sustainabledevelopment.report/2021/2021-sustainable-development-report.pdf>
5. Lucien Georgeson, Mark Maslin and Martyn Poessinouw. The global green economy: a review of concepts, definitions, measurement methodologies and their interactions. <https://rgs-ibg.onlinelibrary.wiley.com/doi/pdf/10.1002/geo2.36>
6. Europe Sustainable Development Report. 2020. <https://s3.amazonaws.com/sustainabledevelopment.report/2020/europe-sustainable-development-report-2020.pdf>
7. «Зеленая» промышленность — это самое начало «зеленого» строительства // http://www.unido-russia.ru/archive/num2/art2_21/ // Вестник ЮНИДО в России.
8. “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/4539502>
9. 8-ая встреча МИД и парламентариев Центральной Азии на КС-27. о чем говорили // <https://carececo.org/main/news/8-vstrecha-mid-i-parlamentariev-tsa-na-ks-27-o-chem-govorili/>
10. Последствия, адаптация и уязвимость: что нужно знать об этом // <https://www.un.org/ru/climatechange/ipcc-wgii-report>.
11. Пискулова Н.А. Развитие мировой экономики: экологический вектор // Мировая экономика и международные отношения. М.: 2010. № 12.
12. Порфирьев Б.Н. Глобальные климатические изменения: новые риски и новые возможности экономического развития страны // Российский экономический журнал. М.: 2009, № 6.
13. Изменение климата в Центральной Азии // <http://kg.one.un.org/content/unct/kyrgyzstan/ru/home/news/kg-news/2016/climate-change-and-security-in-central-asia.html>
14. Краткий отчет РЕЦЦА (2021) CAMP4ASB по Узбекистану, на основе Национального кадастра ПГ за 2012 и 2014 г.г.